



**Ота-Оналар учун  
NYSESLAT Брошюриси**

Хуш келибсиз! Нью Йорк Штати Таълим Бошқармасига қарашли (New York State Education Department-NYSED) Икки Тилдаги Таълим ва Жаҳон Тиллари Бўлимнинг (Office of Bilingual Education and World Languages-OBEWL) мақсади Нью Йорк Штатидаги (New York State-NYS) барча ўқувчилар, жумладан, Инглиз Тилини Ўрганувчилар (English Language Learners-ELLs)/Кўптилли Ўрганувчилар (Multilingual Learners-MLLs) барча предмет ва тиллар бўйича энг юқори даражада билимга эга бўлишларини таъминлашдан иборат. Бизнинг ҳаракатларимиз барча ўқувчиларнинг индивидуал таълим йўналишлари ва уларнинг ижтимоий-руҳий эҳтиёжлари кўплаб тилларда таъминланиши орқали уларни колледж ва карьера учун тайёр бўлишларига эришишга қаратилган. Хар йили фарзандингиз тил имтихони топширади, яъни Нью Йорк Штатининг Инглиз Тили Иккинчи Тил Сифатида Имтихони (New York State English as a Second Language Achievement Test-NYSESLAT)

### **Кириш**

Нью Йорк Штатида Инглиз Тилини Ўрганувчиларнинг Билим Даражасини Аниқлаш Имтихони (New York State Identification Test for English Language Learners-NYSITELL) доирасида ELL/MLL сифатида аниқланган барча ўқувчилар NYSESLAT имтихонини топширадilar. NYSESLAT имтихонининг мақсади Нью Йорк Штати мактаблари K-12 синфларидаги ELLs/MLLs ўқувчиларининг Инглиз тилидаги билимини хар йили текшириб боришдан иборат.

### **NYSESLAT ҚАЧОН ТОПШИРИЛАДИ?**

NYSESLAT одатда баҳор фаслининг Апрель ва Май ойларида ўтказилади.

### **ЎҚУВЧИЛАРДАН ҚАНДАЙ САВОЛЛАР СЎРАЛАДИ?**

NYSESLAT вариантли тест, қисқа ёзма жавоблар, узун ёзма жавоблар, ҳамда тинглаш ва сўзлашга доир оғзаки сўзлаш, шунингдек, ўқиш ва ёзиш саволларини ўз ичига олади. Фарзандингиз тестнинг барча қисмларини бажариши лозим. NYSESLAT имтихонидаги саволлар фарзандингиз синфда бажарадиган машқ ва машғулотларни акс эттиради.

### **NYSESLAT имтихони кимлар томонидан ўтказилади?**


NYSESLAT Нью Йорк Штатининг малакали мутахассислари томонидан ўтказилади.

### **ФАРЗАНДИМНИНГ NYSESLAT БАХОСИНИ ҚАЕРДАН ОЛАМАН?**

Фарзандингизнинг инглиз тилини ўрганиш даражасини акс эттирувчи NYSESLAT натижаси тегишли мактаб томонидан тақдим қилинади.

## 2015-2016 ҲАМДА КЕЛГУСИ ЙИЛЛАР УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ ҚАНДАЙ?

Инглиз тилини билиш даражаси ўқувчилар ўртасида фарқни аниқроқ белгилаш мақсадида аввалги тўрт даражадан беш даражага ўзгартирилди:



### БУ ДАРАЖАЛАР НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

NYSESLAT билим даражалари қуйидаги жадвалда таърифланган.

| Даража                             | Инглиз тилини билиш даражаси таърифи   |                                      |
|------------------------------------|--|--------------------------------------|
| <b>Бошланғич<br/>(Дастлабки)</b>   | Бошланғич даражадаги ўқувчи таълим доирасида тилни ўрганиш учун қўллаб қувватлашга ва ёрдамга қаттиқ боғлиқ, ҳамда Инглиз тилида турли предметлар бўйича қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга эга эмас.                        | <b>ELL хизматларини олиши мумкин</b> |
| <b>Дастлабки<br/>(Қуйи ўртача)</b> | Дастлабки даражадаги ўқувчи таълим доирасида тилни ўрганиш учун қўллаб қувватлашга ва ёрдамга маълум даражада боғлиқ, ҳамда Инглиз тилида турли предметлар бўйича қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга эга эмас.               |                                      |
| <b>Ўтувчи<br/>(Ўртача)</b>         | Ўтувчи даражадаги ўқувчи таълим доирасида тилни ўрганишда маълум даражада мустақил, лекин Инглиз тилида турли предметлар бўйича қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга эга эмас.   |                                      |
| <b>Такомил<br/>(Илғор)</b>         | Такомил даражадаги ўқувчи таълим доирасида тилни ўрганишда юқори даражада мустақилликни намойиш қилади, ҳамда Инглиз тилида турли предметлар бўйича қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга яқин.                                 |                                      |
| <b>Тугал<br/>(Эркин)</b>           | Тугал даражадаги ўқувчи Инглиз тилида турли предметлар бўйича қўйилган талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга эга. Бу даражадаги ўқувчи ELL ўқувчи деб ҳисобланмайди, аммо икки йиллик ELLдан сўнги хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. | <b>ELL хизматларини олмайди</b>      |

## АГАР МЕНИНГ ФАРЗАНДИМ ИЕР ИШТИРОКЧИСИ БЎЛСА, NYSESLAT ПАЙТИДА ИМТИХОНГА ҚАТНАШИШ ИМКONI БЎЛАДИМИ?

Ха, Индивидуал Таълим Дастурлари (IEPs) қатнашчиси бўлган ELL ўқувчиларга NYSESLAT имтихонида қатнашиш имкони берилади. Бу ҳақида батафсил маълумот олиш учун фарзандингизнинг ўқитувчиси билан суҳбатлашинг. Қўшимча маълумотлар учун: <http://www.p12.nysed.gov/assessment/nyseslat/>

## ELL/MLL СИФАТИДА МЕНИНГ ФАРЗАНДИМ ҚАНДАЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН?

Фарзандингиз икки тилда таълим олишга (Ўтиш даври ёки Икки тилда) ва/ёки Инглиз Тилига Янги (ENL) хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Фарзандингизнинг билим даражаси асосида унга тайинланадиган ҳафталик ELL минутлари (дарс вақти) тайинланади. Билим даражаси асосида тайинланадиган дарслар ҳақида маълумот қуйидаги жадвалда берилган.

| Даража                  | К-8 синфлар учун ҳафталик ENL дарслари  | 9-12 синфлар учун ҳафталик ENL дарслари* | Икки Тилли Дастурлардаги Ўқувчилар  |
|-------------------------|---|--|---|
| Бошланғич (Дастлабки)   | 360 минут   | 540 минут                                | <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1 Уй тилида санъат курси</li> <li>• Икки тилдаги минимум 2 фан предмети</li> </ul> |
| Дастлабки (Қуйи ўртача) | 360 минут   | 360 минут                                | <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1 Уй тилида санъат курси</li> <li>• Икки тилдаги минимум 2 фан предмети</li> </ul> |
| Ўтувчи (Ўртача)         | 180 минут   | 180 минут                                | <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1 Уй тилида санъат курси</li> <li>• Икки тилдаги минимум 1 фан предмети</li> </ul> |
| Такомил (Илғор)         | 180 минут   | 180 минут                                | <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1 Уй тилида санъат курси</li> <li>• Икки тилдаги минимум 1 фан предмети</li> </ul> |
| Тугал (Эркин)           | Тугал даражадаги ўқувчилар Инглиз тилида турли предметлар бўйича талабларга жавоб бера оладиган даражада билимга эга. Бу даражадаги ўқувчилар ELL ўқувчи деб ҳисобланмайди, аммо икки йиллик ELLдан сўнги хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. |  |   |

\* ENL дарсларининг бир қисми дарслар билан уйғунлашган тарзда амалга оширилиши мумкин.

## **ELL ДАН СЎНГИ ХИЗМАТЛАР НИМА?**

Ўқувчи Тугал (Эркин) даражага етгандан сўнг у ELL ўқувчи деб ҳисоланмайди ва ELL хизматларидан фойдаланмайди. Бунинг ўрнига ELLдан сўнги (Former ELL), яъни бундан кейинги даража дарслари бошланади. Кейинги икки йил давомида ELA/Асосий Предмет Доирасидаги уйғунлашган ENL ёки бошқа ELL дан сўнги дарсларда қатнашади. Предметлар бўйича натижаларини такомиллаштириб бориш учун бундай ўқувчиларга индивидуал мослаштирилган таълим кўмаги ва улар билими баҳолаш давом эттириб борилиши лозим.

## **NYSESLAT ИМТИХОНИГА ТАЙЁРЛАНИШИДА ФАРЗАНДИМГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШИМ МУМКИН?**

NYSESLAT имтихонига тайёрланиш учун Ота-оналар ўқувчиларга ёрдам беришлари мумкин. Қуйида баъзи таклифларни бермоқчимиз:

- Хар бир имтихондан олдин фарзандингиз етарли даражада дам олиши, ухлаши, яхши овқатланишини таъминланг.
- Фарзандингизни имтихонга ижобий рағбатлантиринг, чунки бу унинг баҳосига ижобий таъсир қилиши мумкин.
- Фарзандингиз билан биргаликда имтихон ҳақидаги барча маълумотларни ўқиб чиқинг.
- Бу имтихон фарзандингизнинг Инглиз тилини ўрганиши даражасини аниқлаш учун эканини тушунтиринг.
- Фарзандингизнинг синф ўқитувчиси, ҳамда Инглиз Тилига Янги/Инглиз тили иккинчи тил сифатида (ENL/ESL) ёки Икки тил йўналишларидаги ўқитувчилари билан учрашинг, ҳамда уйда фарзандингизга қандай ёрдам бера олишингиз ҳақида сўранг.

## **ҚЎШИМЧА РЕСУРСЛАР ВА КЎМАК**

NYSESLAT ҳақида қўшимча маълумотни <http://www.p12.nysed.gov/assessment/nyseslat/> ва <https://www.engageny.org/resource/spring-2015-nyseslat-resources> сайтларидан олишингиз мумкин. Агар фарзандингизнинг Инглиз тили бўйича билими борасида саволларингиз бўлса, [emscassessinfo@nysed.gov](mailto:emscassessinfo@nysed.gov) ёки 518-474-5902 рақами орқали мурожаат қилинг. Икки тилли дарслар/ENL бўйича саволлар Икки Тилда Таълим ва Жаҳон Тиллари Бўлимига (OBEWL) телефон орқали 518-474-8775, ёки e-mail орқали [obefls@nysed.gov](mailto:obefls@nysed.gov) юборилиши мумкин.

ELL борасида қўшимча саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг  
[nysparenthotline@nyu.edu](mailto:nysparenthotline@nyu.edu)  
ELL Ота-оналар хотлайни: (800) 469-8224

**Саволларингиз борми?**

Саволларингизни Икки Тилда Таълим ва Жaxon Тиллари

Бўлимига юборинг: [OBEFLS@nysed.gov](mailto:OBEFLS@nysed.gov)

Ёки қўнғироқ қилинг: 718-722-2445

NYSESLAT хақида батафсил маълумот учун:

<http://www.p12.nysed.gov/assessment/nyseslat/>

